

Мен сенинг сурув ва чўлни севишингни кўряпман

09:25 / 02.03.2018 2750

Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ибн Абу Саъсаъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Абу Саъид Худрий унга шундай деган экан:

«Мен сенинг сурув ва чўлни севишингни кўряпман. Сурувинг ичида, чўлда бўлганигда намозга азон айтсанг, азонда овозингни баланд кўтар, чунки муаззиннинг овозини жинми, инсонми ёки бошқа бирор нарсами эшитса, қиёмат куни унга албатта гувоҳлик беради. Буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман».

Имом Бухорий ривоятлари.